



ЭМИТЕНТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИ ТАҲЛИЛИ

*Раджабов Бунёд Абдухалилович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a52

Аннотация: Мазкур илмий мақолада миллий корпоратив эмитентларнинг халқаро облигациялар бозоридаги фаолияти тадқиқ қилинган. Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари томонидан жойлаштирилган халқаро облигациялар таҳлил қилинган. Корпоратив эмитентларнинг халқаро облигациялар жойлаштириш амалиётларидаги муаммоли ҳолатлар аниқланган. Эмитентларнинг халқаро корпоратив қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича хулосалар, таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: корпоратив эмитент, халқаро облигация, еврооблигация, кредит рейтинг, инвестиция лойиҳалари, андеррайтерлар гуруҳи.

АНАЛИЗ УЧАСТИЯ ЭМИТЕНТОВ НА МЕЖДУНАРОДНОМ РЫНКЕ КОРПОРАТИВНЫХ ЦЕННЫХ БУМАГ

*Раджабов Бунёд Абдухалилович -
соискатель, Ташкентский государственный
экономический университет*

Аннотация: В данной научной статье рассматривается деятельность национальных корпоративных эмитентов на международном рынке облигаций. Были проанализированы международные облигации, размещенные государственными предприятиями и коммерческими банками. Выявлены проблемные ситуации в практике размещения международных облигаций корпоративных эмитентов. Сформулированы выводы, предложения и рекомендации по эффективной организации деятельности эмитентов на международном рынке корпоративных ценных бумаг.

Ключевые слова: корпоративный эмитент, еврооблигация, еврооблигация, кредитный рейтинг, инвестиционные проекты, группа андеррайтеров.

ANALYSIS OF ISSUERS' PARTICIPATION IN THE INTERNATIONAL CORPORATE SECURITIES MARKET

*Radjabov Bunyod Abduxalilovich -
Tashkent State University of Economics, Researcher*

Abstract: This scientific article examines the activity of national corporate issuers in the international bond market. International bonds placed by state-owned enterprises and commercial banks were analyzed. Problem situations in international bond placement practices of corporate issuers have been identified. Conclusions, proposals and recommendations on the effective organization of activities of issuers in the international corporate securities market have been formulated.

Keywords: corporate issuer, international bond, Eurobond, credit rating, investment projects, group of underwriters

Кириш. XX асрга келиб, молия бозорининг юқори суръатларда ривожланиши натижасида молиявий инструментлар тури ва таснифи ҳам тобора кенгайиб борди. Молиявий ресурсларга юқори даражадаги талаб миллий молия бозорлари билан бирга халқаро молия бозорларининг ҳам интенсиф ривожланишига хизмат қилди. Натижада молия бозорининг глобал инструментлари бозори ҳам амал қила бошлади.

Халқаро молия бозорининг энг асосий инструментларидан бири еврооблигациялар ҳисобланади. Еврооблигациялар халқаро облигацияларнинг алоҳида тури сифатида эмиссия қилинган мамлакатдан ташқарида, хорижий валютада жойлаштирилади. Шунингдек халқаро облигациялар еврооблигациялардан фарқли равишда миллий валютада ҳам халқаро бозорда жойлаштирилиши мумкин.

Сўнгги йилларда миллий эмитентларнинг халқаро молия бозоридаги фаоллиги кўзга ташланмоқда. Бунда ҳам суверен, ҳам корпоратив эмитентлар, аввало, халқаро облигациялар, шу жумладан еврооблигациялар жойлаштириш орқали капитал жалб этиб келинмоқда. Еврооблигациялар жойлаштириш орқали капитал жалб этиш амалиёти фаол қўлланилаётган бўлса-да улар бўйича маълум бир аниқлаштириш лозим бўлган жиҳатлар мавжуд. Жумладан, еврооблигацияларни жойлаштириш фоиз ставкаси нисбатан юқорилигича қолмоқда. Бунга маълум даражада жалб этилувчи маблағ ҳисоби-га амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ноаниқлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бошқа томондан эмитентлар кредит рейтинги нисбатан паст бўлган шароитда еврооблигацияларни паст фоизда жойлаштириш мураккаб кечиши ҳам ҳақиқат. Келтирилган жиҳатлар асосида бу борада

тадқиқотлар олиб бориш навбатдаги эмиссияларни самарали ташкил этиш ва халқаро облигацияларни муваффақиятли жойлаштиришда муҳимдир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

И.Я.Лукашевичнинг корпоратив молияни бошқаришда молия таъминотини самарали ташкил этишга доир тадқиқотларида “Еврооблигациялар (*eurobond*) мамлакатдан ташқарида қаттиқ валютада сотиладиган облигациялардир. Облигация сўзига евро сўзининг қўшилиши АҚШ компанияларининг Европа фонд биржаларида сотиш учун махсус облигациялар эмиссия қилганлиги билан тушунтирилади” [1], дея қайд этади. Бундан кўришимиз мумкинки, илк еврооблигациялар корпоратив тузилмалар томонидан муомалага чиқарилган. Еврооблигациялар сўнгги йилларда асосан АҚШ долларларида ва еврода эмиссия қилиниб, жойлаштириб келинмоқда.

Э.Д.Алимардонов, М.Б.Султонбоева, С.А.Абдувалиев тадқиқот ишларига кўра “номинал қиймати облигация жойлаштириладиган мамлакатнинг миллий пул бирлигида бўлган, яъни облигация эмитенти учун хорижий валютадаги облигациялар еврооблигациялардир” [2]. Мазкур ҳолатда ҳам еврооблигациялар хорижий валютада жойлаштирилиши қайд этилган.

С.Элмирзаев, М.Рахмедова, Ҳ.Холиқов томонидан Ўзбекистоннинг суверен еврооблигациялар жойлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш амалиёти, бу борада йўл қўйилган мунозарали ҳолатларни келтиради. Жумладан, “еврооблигациялар орқали молиялаштирилган лойиҳа аниқ ва истиқболли баҳоланадиган бўлса, еврооблигация бўйича фоиз ставка паст бўлиши, шунинг учун мазкур жиҳатга давлат ҳамда корпоратив эмитентлар алоҳида эътибор қаратиши лозимлигига” алоҳида тўхталиб ўтади [3].

Корпоратив тузилмаларда молиявий таъминот масалаларига доир тадқиқотлар олиб борган Н.Турсунова хорижий капитал жалб этишда еврооблигациялар эмиссияси ва жойлаштириш тартиблари, бунда ўзига хос афзалликлар ва камчиликлар, еврооблигациялар бозорига чиқишдаги глобал ташкилотчилар ва уларнинг шартлари хусусида фикр юритиб, “Еврооблигациялар муомалага чиқариш маълум бир тайёргарлик ишларини ва харажатларни талаб қилади. Лекин бошқа томондан нисбатан паст фоизларда узоқ муддатли юқори миқдордаги молиявий ресурслар жалб этиш имконини беради”, дея таъкидлайди [4].

М.Н.Рахмедова ҳам корпоратив, ҳам суверен еврооблигациялар муомалага чиқариш ва жойлаштириш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларини тадқиқ қилган ҳолда еврооблигацияларни жойлаштириш усул-

лари, кредит рейтинги ва еврооблигациялари купон ставкалари ўртасидаги боғлиқликни ёритиб берган, шунингдек миллий корпоратив эмитентлар томонидан муомалага чиқарилган еврооблигациялар ва халқаро облигациялар таҳлил қилиб чиққан. Шунингдек тадқиқотчининг қайд этишича “Еврооблигациялар чиқаришдан олинган маблағлар халқаро қимматли қоғозлар бозорида иштирок этишнинг кейинги имкониятларини яратиш учун республиканинг энг истиқболли ва инновацион лойиҳаларига йўналтирилиши лозим” [5].

Республикамизда ҳам борада тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлсада, корпоратив эмитентларнинг халқаро облигациялар бозорига чиқиш амалиётларида эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар мавжуд.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада илмий абстракция, статистик таҳлил, қиёсий таққослаш, индукция ва дедукция каби методлардан фойдаланиш орқали тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда глобал молия бозорида “халқаро облигациялар умумий маънода 4 та тоифага бўлинади: ташқи бозорларда сотиладиган ички облигациялар; чет эл корхонаси томонидан чиқарилади маҳаллий бозорда жойлаштирилган хорижий облигациялар; чиқарилган мамлакатнинг миллий валютасида номиналлаштирилмаган еврооблигациялар; бир вақтнинг ўзида бир нечта бозорларда сотиладиган глобал облигациялар” [6]. Бундан кўриш мумкинки, халқаро облигациялар ҳам аллақачон кенг доирадаги таснифга эга. Келтирилган мазкур тасниф бевосита муомала чиқариш ва жойлаштириш нуқтаи назаридан амал қилишини таъкидлашимиз лозим.

Мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар корпоратив облигациялар чиқаришлари мумкин. Халқаро облигациялар охириги йилларда давлат ва акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилганлигини қайд этиш лозим. Корпоратив халқаро облигациялар, хусусан, корпоратив еврооблигациялар фақатгина давлат корхоналари ва банклари томонидан чиқарилганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

Келтирилган жадвал маълумотларидан маълум бўладики, тижорат банкларидан Ўзсаноатқурилишбанк АТБ, Ўзмиллийбанк АЖ ва Ипотекабанк АТИБлар томонидан 5 йиллик еврооблигациялар жойлаштирилган. Уларнинг ичида Ўзмиллийбанк АЖ корпоратив еврооблигациялари энг паст, 5,5 фоиз ставкада жойлаштирилганлигини таъкидлаш лозим. Лекин бу купон ставка ҳам ўша пайтдаги бозор учун нисбатан юқори бўлган.

**Давлат корхоналари ва банклари томонидан молия бозорларда жойлаштирилган
корпоратив халқаро облигациялар [7]**

№	Эмитент	Миқдори	Муддати	Купон фоизи	Жойлаштириш санаси
1.	Ўзсаноатқурилишбанк АТБ	300 млн АҚШ долл	5 йил	5,75	02.12.2019
2.	Ўзмиллийбанк АЖ	300 млн АҚШ долл	5 йил	4,85	14.10.2020
3.	Ипотекабанк АТИБ	300 млн АҚШ долл	5 йил	5,5	19.11.2020
4.	Ипотекабанк АТИБ	785 миллиард сўм (75 млн АҚШ доллари)	3 йил	16	16.04.2021
5.	ЎзАвтоМоторс АЖ	300 млн АҚШ долл	5 йил	4,85	04.05.2021
6.	Ўзбекнефтгаз АЖ	700 млн АҚШ долл	7 йил	4,75	16.11.2021

Шунингдек Ипотекабанк АТИБ 2021 йил 16 апрелда йиллик 16 фоизлик купон ставкада 785 миллиард сўмлик (75 миллион АҚШ доллари эквивалентида) халқаро облигациялар ҳам жойлаштирилганлиги эътирофга лойиқ. Бунда еврооблигациялардан фарқли равишда сўмда халқаро облигациялар жойлаштириш орқали капитал жалб этиш эмитентларга валюта рискдан қочиш имконини беради.

Реал сектордаги корхоналардан ЎзАвтоМоторс акциядорлик жамияти 2021 йил 4 майда 300 миллион долларлик еврооблигациялар жойлаштирилган бўлиб, муомала даври 5 йиллик, купон ставкаси эса 4,85 фоизни ташкил этган. Ўзбекнефтгаз акциядорлик жамияти ҳам 2021 йил 16 ноябрда 4,75 купон ставка билан 7 йиллик муддатга 700 миллион АҚШ доллари ҳажмида корпоратив еврооблигацияларни муваффақиятли жойлаштирди. Бунда Ўзбекнефтгаз АЖнинг ЎзАвтоМоторс АЖга нисбатан муваффақияти нисбатан паст купон ставкада ҳамда узоқ муддатга ўз корпоратив еврооблигацияларини жойлаштириш олганидир.

Миллий корпоратив эмитентлар томонидан жойлаштирилган еврооблигациялар муддатига эътибор қаратсак, Ўзбекнефтгаз АЖдан бошқа эмитентлар 5 йил муддатга жойлаштирилган. Бу муддат халқаро амалиётда энг кенг қўлланиладиган муддат саналади. Жаҳондаги бренд компаниялар 30 йилгача муддат билан еврооблигациялар жойлаштириш орқали узоқ муддатли капитал жалб этиш амалиётлари мавжудлигини ҳам шу ўринда таъкидлашимиз лозим. Шу сабабли миллий эмитентлар ҳам 10 йил ва ундан орти муддатга еврооблигациялар жойлаштиришга ўтишлари, бунинг учун эса узоқ муддатли истиқболли лойиҳалар бошланиши лозим. Бу борада Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби гигант компаниялар дастлабки амалиётларга киришиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу компанияларнинг салоҳияти бошқа корпоратив эмитентларга нисбатан бир неча ўн баравар юқори.

Ипотекабанк АТИБ томонидан 2021 йил 16 апрелда миллий валюта сўмда жойлашти-

рилган 785 миллиард сўмлик халқаро облигациялар 3 йил муддатга жойлаштирилган. Бунда сўмнинг инфляцияси билан боғлиқ қутилмалар туфайли муддат нисбатан кам белгиланганлигини шу ўринда қайд этиб ўтишимиз лозим.

Шуниси эътиборни тортадики, корпоратив эмитентлар томонидан чиқарилган ва халқаро облигациялар жойлаштириш натижасида олинган маблағлар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар ноаниқлигича қолмоқда. “Еврооблигациялар йирик ва узоқ муддатли инвестицияларни молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Евробонд катта ҳажмда ва чет эл валютасида маблағларни ўрта ва узоқ муддат билан (30 йилгача) жалб қилишга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон каби суверен эмитентлар учун ҳар бир евробонд ҳажми АҚШ доллари ҳисобида 500 миллион ва ундан юқори бўлиши мумкин. Бу маблағларни Ўзбекистонда исталган соҳадаги керакли лойиҳаларга йўналтириш мумкин” [8].

Банklar томонидан еврооблигациялар аксарият ҳолатларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида жойлаштирилган. Ўзбекнефтгаз ва ЎзавтоМоторс акциядорлик жамиятлари томонидан еврооблигация ҳисобига айнан қайси лойиҳа молиялаштирилаётганлиги, лойиҳанинг самарадорлиги қай даражада эканлиги борасида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Чунки лойиҳа самарадорлигини асос қилиб олган ҳолда еврооблигациялар муомалага чиқариш ва жойлаштириш борасида қарор қабул қилинади. Бунда лойиҳанинг ноаниқлиги ёки самарадорлиги нисбатан пастлиги шароитида еврооблигациялар жойлаштириш борасида қарор қабул қилиш фақат ва фақат зарарга ишлайди.

Миллий молия бозори паст даражада ҳолатида еврооблигацияларни жойлаштириш анчайин қиммат амалиёт эканлигини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлашимиз лозим. Айнан миллий молия бозорининг ривожланиши корпоратив эмитентларнинг бозордаги нуфузи ва инвесторлар ишончига қира олгани рейтингларда ҳам акс этиши шубҳасиз. Кредит рейтингининг юқори бўлиши эса халқаро андеррайтер-

лар ва инвесторларнинг ишончи учун ўзига хос кафолатдир. Натижада эса еврооблигациялар

жойлаштириш бўйича капитал баҳоси пасайишига эришилади (2-жадвал).

2-жадвал

Миллий корпоратив эмитентлар халқаро облигациялар жойлаштирган вақтдаги кредит рейтинглари таҳлили

№	Эмитент	Рейтинг берган агентлик	Кредит рейтинглари
1.	Ўзсаноатқурилишбанк АТБ	Fitch Ratings	BB-
2.	Ўзмилийбанк АЖ	Fitch Ratings	BB-
3.	Ипотекабанк АТИБ	Fitch Ratings	BB-
4.	Ипотекабанк АТИБ	Fitch Ratings	BB-
5.	ЎзАвтоМоторс АЖ	S&P Global Ratings	B+/B
6.	Ўзбекнефтгаз АЖ	Fitch Ratings, S&P Global Ratings	BB-

Манба: эмитентлар сайтлари маълумотлари асосида тузилган.

Миллий корпоратив эмитентлар халқаро облигациялар жойлаштирган вақтдаги кредит рейтинглари таҳлили кўрсатмоқдаки, рейтинг баҳоси деярли бир хил. Мазкур жиҳат бошқа томондан суверен кредит рейтингидан корпоратив рейтинглар юқори бўлмаган. Бу борада корпоратив рейтинглар юқори бўлиши учун ҳам миллий фонд бозори юқори даражада бўлиши шарт. Еврооблигацияларни халқаро молия бозо-

рида кафолатли жойлаштириш, яъни андеррайтер сифатида Deutsche Bank, ABN Amro Bank, J.P.Morgan, UBS Group, Dresdner Kleinwort Wasserstein (DrKW), Citigroup кабилар иштирок этиши ҳам бозор учун ўзига хос сигнал вазифасини бажаради. Миллий корпоратив эмитентлар томонидан жойлаштирилган еврооблигациялар бўйича андеррайтерлар гуруҳи қуйидагича бўлган (3-жадвал).

3-жадвал

Миллий корпоратив эмитентлар халқаро облигацияларини жойлаштириш бўйича андеррайтерлар гуруҳи

№	Эмитент	Облигация тури	Андеррайтерлар гуруҳи
1.	Ўзсаноатқурилишбанк АТБ	Еврооблигация	JP Morgan, Citigroup, Commerzbank, Raiffeisen Bank
2.	Ўзмилийбанк АЖ	Еврооблигация	Citibank, Natixis, SMBC Nikko, Газпромбанк
3.	Ипотекабанк АТИБ	Еврооблигация	J.P. Morgan, Raiffeisen Bank International AG, MUFG, Societe Generale
4.	Ипотекабанк АТИБ	Халқаро облигация сўмда	J.P. Morgan Chase
5.	ЎзАвтоМоторс АЖ	Еврооблигация	Citigroup, MUFG, Natixis, Raiffeisen Bank International
6.	Ўзбекнефтгаз АЖ	Еврооблигация	Bank GPB International, Citigroup Global Markets, J.P. Morgan Securities и Mitsubishi UFG Securities EMEA

Манба: эмитентлар сайтлари маълумотлари асосида тузилган.

Қайд этиш керакки, миллий корпоратив эмитентлар халқаро молия бозоридаги амалиёти давомида JP Morgan ва Citigroup андеррайтерлар гуруҳида энг кўп иштирок этганлар. Бундай бренд андеррайтерларнинг танланиши гарчи нисбатан қиммат бўлса-да, юқорида таъкидлаганимиздек, глобал инвесторлар учун бу ўзига хос реклама вазифасини бажаради. “Еврооблигацияларнинг дебют эмиссияси Ўзмилийбанк томонидан Citibank (АҚШ), Natixis (Франция), SMBC Nikko (Япония) ва Газпромбанк (Россия) каби халқаро миқёсда тан олинган андеррайтинг банклари билан биргаликда амалга оширилди”[9]. Бундан кўриш мумкинки, Ўзмилийбанк АЖ еврооблигациялар жойлаштирганда 4 та давлат молия институти андеррайтерлар гуруҳини ташкил этган. Бу жиҳат ўз-ўзидан андер-

райтерлик харажатларининг ортишига хизмат қилади.

Умуман, корпоратив эмитентларнинг юқоридагиларга эътибор қаратган ҳолда халқаро облигацияларини юқори инвестицион жозибдорликда паст фоизларда жойлаштири олиши уларнинг истиқболда акцияларини глобал оммавий жойлаштиришларига ҳам замин сифатида хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Миллий корпоратив эмитентларнинг халқаро облигациялар бозоридаги фаоллигини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар шакллантирилди.

1. Корпоратив эмитентлар кредит рейтинглари юқори бўлиши учун аввало миллий фонд бозори ҳам ривожланган бўлиши шарт. Ривожлан-

ган фонд бозорида корпоратив эмитентлар ўз нуфузини ошириб бориш ва инвесторлар ишончини қозониши шарт. Бу жиҳат корпоратив эмитентларнинг халқаро бозорда ҳам муваффақият қозонишларига асос сифатида хизмат қилади.

2. Халқаро облигациялар жойлаштириш орқали капитал жалб этишда узоқ муддатли еврооблигацияларга устуворлик бериш лозим. Бунинг учун эса узоқ муддатли лойиҳалар тақдим эта олиш муҳим саналади.

3. Инвесторлар томонидан еврооблигациялар орқали молиялаштирилувчи лойиҳаларнинг истиқболлилигига устувор даражада эътибор қаратилади. Мазкур жиҳат капитал баҳосини пасайтиришда ҳам таъсирга эга. Шу сабабли истиқболли лойиҳалар ва улар самарадорлиги

борасида маълумотлар очиқлигига устуворлик бериш лозим.

4. Корпоратив эмитентлар томонидан хорижий капитал жалб этишда валюта рискиннинг олдини олиш мақсадида миллий валютадаги халқаро облигациялар жойлаштиришга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Лекин бунинг учун макроиқтисодий даражада инфляция даражасини кескин пасайтириш лозим.

5. Давлат иштирокидаги корпоратив эмитентларнинг халқаро облигациялар жойлаштириш орқали жалб этган капитали баҳоси ошкор қилиниши лозим. Бу жиҳат бошқа хусусий корпоратив эмитентларга ўзига барометр бўлиб хизмат қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
2. Алимардонов Э.Д., Султонбоева М.Б., Абдувалиев С.А. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида молия бозори барқарорлигини таъминлаш: назарий-концептуал ва амалий жиҳатлар. – Т.: Академнашр, 2012. – 124-б.
3. Elmirzaev S., Raxmedova M., Kholiqov H. Redistribution Of Funds From Sovereign Eurobonds And Their Efficiency, Journal of International Finance and accounting, Issue 3, 2020. Pages-5.
4. Турсунова Н. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2017. – 142 б.
5. Рахмедова М.Н. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш инструменти сифатида еврооблигациялар билан операцияларни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 63 б.
6. Jonathan Berk, Peter DeMarzo. Corporate Finance. – Pearson, 2020. – P. 921.
7. Республикаси давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи. 2022 йил III чораги. www.mf.uz.
8. Шавкатов Н., Гафуров О. Ўзбекистоннинг давлат еврооблигация-ларининг дунё молия бозорларида жойлаштирилиши ва уларнинг аҳамияти. // Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2019. - №11. –45 б.
9. <https://review.uz/oz/post/milliy-bankning-ilk-evroobligაციyalari-xalqaro-kapital-bozorida-joylashtirildi>



ЛОГИСТИКА КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a53

Махмудов Самариддин Бахриддинович -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари” ИТМининг таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда мавжуд логистика тизимидаги корхоналарнинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбаларининг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётда логистика корхоналарининг молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб муаммолар аниқланган, уларни ҳал қилишга қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотда муаллиф ёндашувлари ва тақлифлари келтирилган.

Калит сўзлар: Миллий иқтисодиёт, логистика инфратузилмаси, логистика тизими, молиялаштириш, капитал манбалари, рентабеллик кўрсаткичлари, иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил

АНАЛИЗ ИСТОЧНИКОВ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ ЛОГИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Махмудов Самариддин Бахриддинович -
Докторант НИЦ «Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ

Аннотация: В данной статье изучены научно-теоретические аспекты источников формирования финансовых ресурсов предприятий в условиях существующей системы логистики в нашей стране. Также выявлены актуальные проблемы, связанные с совершенствованием практики финансирования логистических предприятий в народном хозяйстве, и разработаны научные предложения, направленные на их решение. В исследовании представлены авторские подходы и предложения.

Ключевые слова: Национальная экономика, логистическая инфраструктура логистическая система, финансирование, источники капитала, показатели рентабельности, экономический анализ, финансовый анализ.